

# ШАРТНОМА № 70

(Лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш)

Тошкент ш.

“05” 05 2022 йил

“Тошкент шаҳар минтақавий ё’лларга буюртмачи хизмати” ДУК (кейинги о’ринларда Буюртмачи) номидан Устав асосида иш юритувчи директор **О.Абдуназаров** бир томондан ва “O’zyo’loyiha loyiha qidiruv instituti” DUK (кейинги ўринларда Бажарувчи) номидан 2021 йил 15 октябрдаги 196-сонли бўйруқ асосида иш юритувчи директор ўринбосари **О.Раджабов** иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 марта 2022-2026-йилларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисидаги №ПҚ-172-сонли қарори бўйича бюджет маблағлари хисобидан жорий таъмирлаш бўйича лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва ижобий экспертиза хulosасини олиш (кейинчалик обект) ишларини бажаришга доир амалдаги Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли қонунига асосан харид.узех.уз махсус ахборот портал орқали (Лот раками 73730) эълон қилинган ва “Тошкент минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК харид комиссиясининг 2022 йил 05 даги баённомасига асосан қуидаги шартномани туздилар:

## 1. Шартнома предмети ва муддати.

1.1. Бажарувчи **Бектемир тумани Намуна МФЙ Нурли** ва 1-тор кўчасини жорий таъмирлаши лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза хulosасини олиш мажбуриятини, Буюртмачи эса уни қабул қилиб олиш мажбуриятини олади.

1.2. Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатлари ишларини Ўзбекистон Республикасида белгиланган хукуқ ва қонун талабларига асосан амалга оширилади.

1.3. Бажарувчи шартнома бўйича лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқади, шу жумладан учинчи шахсни ёллаган холда белгиланган тартибда лойиҳа-смета хужжатларини давлат экспертизасидан ўтказади.

1.4. Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатларини Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотлар асосида шартнома ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика Газначилиги ёки унинг худудий бошқармаларида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб шартноманинг 2-иловаси “Бажариш ва молиялаштириш жадвали”да белгиланган муддатларда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатлари ишлари бўйича давлат ва зарур бўлганда бошқа тегишли экспертиза хulosасини олгандан сўнг, ишларни бажариш муддати даврида 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирив ишлари хужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

1.6. Иш жараёнида келишилган асосий лойиҳавий ечимларни буюртмачига топширилади.

## 2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қондалари.

2.1. Шартноманинг баҳоси шартнома тарафларининг келишуви (1-илова)га асосан **КҶС билан 4 093 200 (тўрт миллион тўқсон уч минг икки юз)** сўмни ташкил этади ва мазкур шартноманинг 2-иловасидаги “Бажариш ва молиялаштириш жадвали”га мувофиқ бажарилади.

2.2. Буюртмачи шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Республика Газначилиги ёки унинг худудий бошқармаларида рўйхатдан ўтгандан сўнг 5 кун мобайнида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ, Бажарувчи лойиҳа-смета хужжатлари ишлари давлат ва зарур бўлганда бошқа тегишли экспертизаси хulosасини олиб, Буюртмачига тақдим этгандан сўнг, топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилиб, 15 кун мобайнида дастлаб тўланган аванс маблағи (шартнома баҳосининг 30 фоизи миқдорида) ушлаб колиниб, Буюртмачи томонидан қабул қилинган хисоб-фактура (счёт-фактурага асосан) молиялаштирилади.

2.4. Шартноманинг баҳоси узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ишлар қийматини күпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлгандা;
- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

Дастлабки ҳисобланган смета хужжатларига экспертиза хulosаси олингандан сўнг, лойиха-смета хужжатлари баҳоси (маҳаллий бюджетдан молиялаштирилганда Тошкент шаҳар молия бошкармаси) Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳалқ депутатлари қарорларига ёки Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган манзилли рўйхатга асосан Буюртмачи ва Бажарувчи розилиги билан заруратга кўра ушбу шартномага қўшимча келишув имзолаш ёғли билан ўзгартириш киритиш мумкин.

### **3. Томонлар мажбуриятлари.**

3.1. Буюртмачи барча ишлар бажарилиб бўлингандан кейин белгиланган нархнинг ҳаммасини Бажарувчига тўлаши ёки ишларининг айрим босқичлари тугатилганидан кейин нархнинг тегишли кисмини тўлаши, тайёрланган лойиха-смета хужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даво юзасидан ишда қатнашишига Бажарувчини жалб қилиши шарт.

3.2. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган бирламчи маълумотларни (нуқсонлар қайдномаси ёки ижро хужжатлари, пудрат ташкилотининг ўртача иш ҳаки, ишлатиладиган машиналар, механизмлар ва техник кўрсаткичларга эга транспорт воситалари, уларнинг ишлаш харажатлари кўрсаткичлари, пудратчининг бошқа харажатларини) тақдим қиласди.

3.3. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотларни 10 (ўн) иш куни мобайнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бирламчи малумotларда аниқланган камчиликларни, 10 (ўн) иш куни муддат ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай холат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.4. Бажарувчи лойиха-смета ишларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета хужжатлари ва бажарилган қидиув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган обектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Агар лойиха-смета хужжатлари ёрдамчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган бўлса камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи, ёрдамчи ташкилот билан бирга ишлаб чиқилган лойиха-смета хужжатлари учун тўлиқ жавоб беради ва Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета хужжатларини бепул кайта ишлаб чикиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча ишларни бажариши шарт.

3.5. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ўз вақтида ўтказилмаган холда ёки дастлабки маълумотларни тақдим қилиш кечиктирилганда ишларни тугаллаш муддати тўлов ёхуд тақдим кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

3.6. Бажарувчи лойиханинг асосий ечимларини Буюртмачи билан биргаликда тегишли идоралар ва ташкилотлар билан келишилади.

### **4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби.**

4.1. Лойиха-смета хужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси билан лойихалаш учун топшириқда кўзда тутилган хужжатлар тўпламини топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва мазкур шартноманинг 4.1- бандида кўрсатилган ҳисобот хужжатларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган

хисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул килиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиха-смета хужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнинда ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис эксперталарга лойиха-смета хужжатлари бўйича хулоса учун мурожат қилиши мумкин.

## **5. Конфидентсиал маълумотларни химоялаш.**

5.1. Лойиха-смета хужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфидентсиал хисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни химоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## **6. Низоларни ҳал этиш.**

6.1. Шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган низоларни тарафлар ўзаро музокара йўли билан ҳал этади. Музокара натижасида келишувга келинмаган тақдирда низолар тарафлар томонидан Тошкент туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси бериш ва ишни судда кўриб чиқилиши натижасида ҳал қилинади.

## **7. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиши.**

7.1. Мазкур шартномага кўшимча битим кўринишидаги ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма равишида килинган ҳамда томонлар (ёки томонлар номидан вакиллар) имзолаган ҳолдагина Ғазначиликда рўйхатдан ўтказилганидан кейин юридик кучга эга бўлади.

7.2. Шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин. Шартнома ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишуви ёзма шаклда амалга оширилади. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки шартноманинг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

7.3. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

## **8. Форс-мажор.**

8.1. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки қисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсир этиши вақтига мутаносиб равишида узайтирилади.

## **9. Қўшимча шартлар.**

9.1. Бажарувчи Лойиха-смета хужжатлари ишларини муддатидан олдин бажарганида, Буюртмачи уни Шартноманинг 4-бандига асосан қабул қиласи ва тўла тўловни амалга оширади.

9.2. Бажарувчи Шартнома шартларини бажариш учун, Шартномада белгиланган муддатларга риоя қилинишини инобатга олган ҳолда ҳамда Буюртмачи билан келишилган ҳолда, ёрдамчи ташкилотларни жалб қилиши мумкин.

9.3. Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган хаки кечикирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи микдорида пеня тўлайди,

бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

9.4. Бажарувчи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ўз вақтида бажарилмай мажбуриятлар бузилган бўлса, Бажарувчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирор бунда пеняning умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

9.5. Тўланган пеня тарафларни ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

9.6. Шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва ҳар иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга бўлади.

9.7. Шартнома 31.12.2022 йилга қадар амал қиласди.

9.8. Шартномага қўйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова - Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиши бажариш ва молиялаштириш жадвали.

## 10. Томонларнинг манзили ва хисоб ракамлари

“Буюртмачи”

“Бажарувчи”

“Тошкент шаҳар минтақавий йўлларга  
буюртмачи хизмати” ДУК

“O’zyo’lloyiha loyiha qidiruv instituti”  
DUK

100000. Тошкент шаҳри,  
Мирзо Улугбек тумани  
Мустақиллик шоҳ кўчаси 68-үй  
Тел: 237-57-08  
Ш/х: 3045 2186 0262 6970 45 129 118 016  
ИНН: 304 893 532 ОКЕД: 71120  
Ўзбекистон Республикаси Молия  
Вазирилиги Фазналигигининг Амалиёт Бошкармаси  
х/р: 2340 2000 3001 0000 1010  
МФО 00014 ИНН 201129919


100000, Тошкент шаҳри,  
Мирзо Улугбек тумани  
Мустақиллик шоҳ кўчаси 68-үй  
Тел: 71-237-15-08  
Х/р: 2021 0000 7009 2163 2001  
АТИБ «Ипотека банк»  
Яшнобод туман филиали  
МФО: 00959, ИНН 305 756 527

Директор  О.Абдуназоров

Директор  
ўринбосари

О.Раджабов





2022-йил «05» 05 даги  
20-сонли шартномага 1 - илова

## Шартнома баҳосини келишуви

### БАЙОННОМАСИ

Биз, куйида имзо қўювчилар Бектемир тумани Намуна МФЙ Нурли ва 1-тор кўчасини жорий таъмирлаши лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикиш ва экспертиза хulosасини олиш бўйича 2022 йил “05” 05 даги 20-сонли шартнома баҳоси ҚҚС билан ҚҚС билан 4 093 200 (тўрт миллион тўқсан уч минг икки юз) сўмни ташкил қиласди.

Ушбу баённома Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасида узаро хисоб-китобларни амалга ошириш учун асос хисобланади.

“Буюртмачи”

“Тошкент шаҳар минтақавий йўлларга  
буюртмачи хизмати” ДУК

100000. Тошкент шаҳри,  
Мирзо Улугбек тумани  
Мустақиллик шоҳ кўчаси 68-үй  
Тел: 237-57-08  
Ш/х: 3045 2186 0262 6970 45 129 118 016  
ИНН: 304 893 532 ОКЕД: 71120  
Ўзбекистон Республикаси Молия  
Вазирлиги Газначилигининг Амалиёт Бошқармаси  
х/р: 2340 2000 3001 0000 1010  
МФО 00014 ИНН 201129919

Директор



О.Абдуназаров

“Бажарувчи”

“O’zyo’lloyiha loyiha qidiruv instituti”  
DUK

100000, Тошкент шаҳри,  
Мирзо Улугбек тумани  
Мустақиллик шоҳ кучаси 68-үй  
Тел: 71-237-15-08  
Х/р: 2021 0000 7009 2163 2001  
АТИБ «Ипотека банк»  
Яшнобод туман филиали  
МФО: 00959, ИНН 305 756 527

Директор  
ўринбосзори



О.Раджабов

2022 йил "25" 05 даги  
20 -сонли шартномага 2 -илова

Бектемир тумани Намуна МФЙ Нурли ва 1-тор кўчасини жорий таъмирлаши лойиха-смета  
хужжатларини ишлаб чикиш ва экспертиза хulosасини олиш

### БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

сўм

№	Бажариладиган ишларнинг номи	Қиймати	Бажариш		Молиялаштириш муддати
			муддати	қиймати	
	Аванс миқдори				2022 йил
1	Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чикиш ва ижобий экспертиза хulosасини олиш	4 093 200	Шартнома Ғазначилик амалиёт бошқармасидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб 7 кун*	4 093 200	2 865 240
	Жами:	4 093 200		4 093 200	4 093 200

\*-Белгиланган муддат шартнома тегисили Ғазначилик амалиёт бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан кундан бошлаб ҳисобланади.

Буюртмани



Бажарувчи

2022 йил "05" 05 даги

70

-сонли шартномага 3 -илова

## Коррупсияга қарши шарт

### 1.1. Томонлар:

- Томонлар, уларнинг афилланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупсияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари талабларининг бузулишига олиб келинадиган ва/ёки коррупсия характеристига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни вада қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти харакатлари/харакатсизликларини содир этмайдилар.

- Томонлар, уларнинг афилланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқ томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларини беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасига қандайдир хатти харакатларни/ харакатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан вос кечадилар деб маълум қиладилар.


1.2. Томонлар ушбу илованинг 1.1 бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубхалар юзага келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақда иккинчи томонни ҳабардор қилиш, коррупсия билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам ҳабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Буюртмачи



Бажарувчи





“Тошкент шаҳар минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК директори, комиссия раиси  
О.Абдуназаров

“Тошкент шаҳар минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК жорий  
таъмиrlаsh ишлари бўйича лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва  
экспертиза хulosасини олиш бўйича хизмат кўrsatuvchi ташкилотлар ўrtасида  
танлов ўtkазиш бўйича комиссия йиғилиши

## БАЁННОМАСИ № 2

Тошкент ш.

2022 йил “5” 05

Иштирок эттилар:

Комиссия раиси:	“Тошкент шаҳар минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК директори	О.Абдуназаров
Комиссия аъзолари:	“Тошкент шаҳар минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК бош муҳандиси	М.Сирожиддинов
	Лойиха таъминоти бўлими бошлиғи	Б.Ибрагимов
	Ишлаб чиқариш техник бўлими бошлиғи	Н.Юсупов
	Техник кузатиш ва бажарилган ишларни қабул қилиш бўлими бош мутахассиси	С.Икромхўжаев
	Молия-иктисод бўлими бошлиғи	Ж.Искандаров
	Тендерларни ташкил этиш ва шартномалар бўлими бош мутахассиси	С.Аббосов

## КУН ТАРТИБИ:

“Тошкент шаҳар минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК жорий  
таъмиrlаsh ишлари бўйича лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва  
экспертиза хulosасини олиш бўйича

(О.Абдуназаров, М.Сирожиддинов, Ж.Искандаров, С.Икромхўжаев, Н.Юсупов,  
Б.Ибрагимов, С.Аббосов )

ТШМЙБХ ДУК 2022 йил 19 апрелида Ўзбекистон Республикаси товар ва хом-ашё  
биржасининг электрон порталига жорий таъмиrlаsh ишлари бўйича лойиха-смета  
хужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза хulosасини олиш бўйича 74299, 74302,  
74313, 73799, 73807, 73809, 73789, 73791, 73795, 73754, 73756, 73758, 73762, 73765, 73769,

73732, 73738, 73741, 73749, 73750, 73730, 73731 – лот рақамлари билан эълонлар жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 28 апрельдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган “**жорий таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиши ва экспертиза хуносасини олиш**” баённомасига асосан эълон яқунига кўра Комиссия аъзолари томонидан “Замонавий йўл лойиҳа” МЧЖ, “Ўзйўллойиҳа лойиҳа кидирув институти” ДУК ва “Фаргона автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш институти” МЧЖлар тегишли лотлар бўйича ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб;

#### **КАРОР КИЛИНДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684 – сонли Қонуннинг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома хеч қандай эътиrozлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. ТШМЙБХ ДУК Тендерларни ташкил этиш ва шартномалар бўлими бош мутахассиси С.Аббосовга:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 28 апрельдаги электрон баённомасига асосан тегишли лотлар бўйича ғолиблар “Замонавий йўл лойиҳа” МЧЖ, “Ўзйўллойиҳа лойиҳа кидирув институти” ДУК ва “Фаргона автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш институти” МЧЖ лар билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин. Ҳамда хизмат кўрсатиш сифат даражаси нозоратга олинсин.

**Комиссия аъзолари**

**М.Сирожиддинов**

**Ж.Искандаров**

**Б.Ибрагимов**

**Н.Юсупов**

**С.Икромхўжаев**

**С.Аббосов**